Сиз унда Ватандай азизсиз, устоз!

Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб республикамиз, хусусан, вилоятимиз бўйлаб ўтказилган байрам тантаналари, учрашув ва маънавий-маърифий кечаларда энг фидойи касб эгаларининг ана шундай эзгу фазилатлари эҳтиром билан тилга олинаётир.

Фарғона шаҳридаги Ислом Каримов номидаги Театр-концерт саройида бўлиб ўтган байрам тадбири ҳам устоз деган шарафли номни улуғлаб, унга муносиб меҳнат қилаётган қадрли инсонлар – ўқитувчилар ва мураббийлар шарафига бағишланди.

Тантанали тадбирни вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шуҳрат Ғаниев очди ва тантанада иштирок этаётган устозлар ва улар орқали фарғоналик барча фидойи касб эгаларини умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий қутлади.

-Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёш авлоднинг таълим-тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатлари, ижтимоий ҳимояси, уларнинг келажаги ҳақида билдирган таклифлари мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган улкан эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Чуқур таҳлилий-илмий ёндашувга асосланган бу ғоя ва ташаббуслар юртимиз педагогларини ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам улканроқ масъулият, янада ҳушёрлик ва огоҳлик билан ёндашувга чорлайди, -деди вилоят раҳбари ўз сўзида. – Мамлакатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 сентябрдаги Фармонига мувофиқ Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланганлар орасида 8 нафар фарғоналик устозларнинг борлиги барчамизга чексиз ифтихор туйғусини бағишлади.

Шундан сўнг халқ таълими тизимидаги самарали фаолияти, ёш авлодни интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган устозлар, шунингдек, вилоятимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлари вилоят ҳокимлигининг “Фахрий ёрлиқ” ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Меҳр ва эҳтиром рамзи сифатида гулдасталар улашилди.

Туркманистон давлатининг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган V Ёзги Осиё ўйинларида юқори натижаларни қайд этган, белбоғли ва туркман курашлари бўйича 2 та олтин, бел олиш ва туркман курашининг эркин дастури бўйича 2 та бронза медаллари соҳиби Обидали Мавлонов, белбоғли кураш спорт турининг эркин йўналишида олтин, анъанавий йўналишида кумуш ҳамда бел олиш курашида бронза медали совриндори Шерзод Раҳимов, шунингдек, мазкур мусобақада 1 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритган Манзурой Мўйдинова сингари совриндор спортчилар ва уларнинг мураббийларига вилоят ҳокимлигининг пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

-Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш, юртимиз ёшларини ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар жиҳатдан соғлом, теран, соғлом ва мустақил фикрли инсонлар этиб камолга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган эди, – дейди Данғара туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, “Дўстлик” ордени соҳибаси Гулнорахон Мелибоева. – Бу жабҳадаги эзгу саъй-ҳаракатлар бугун ҳам изчил, шиддатли давр талабига ҳамоҳанг тарзда давом эттирилаётгани, айниқса, таълим соҳаси ходимларининг давлатимиз, Президентимиз томонидан юксак мукофотларга муносиб кўрилаётгани ҳар биримизни чуқур билим ва замонавий касб-ҳунарга эга малакали кадрларни тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдек шарафли фаолиятимизга шижоат билан ёндашишга даъват этади.